

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****571 Радиочастота спектрини бошқаришни ташкил қилиш
ва фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва радиочастота спектрини бошқаришни ташкил қилиш ва фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси тугатилиб, радиочастоталар бўйича Республика кенгаши ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар радиочастоталар бўйича Республика кенгаши фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг радиочастота ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

радиочастота спектрини тақсимлаш ва фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, радиочастоталарни тақсимлаш миллий жадвалини шакллантириш, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий тадқиқотлар ўтказилишини ташкил қилиш;

радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, радиочастоталарни режалаштириш, тайинлаш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш;

радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингини ташкил қилиш, радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тизимли комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

радиочастота спектрини тартибга солиш ва ундан фойдаланиш соҳасида замонавий технологияларни қўллаш борасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш, мазкур соҳада ягона автоматлаштирилган бошқариш тизимини яратиш ва ривожлантириш;

радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

3. Қуйидагилар:

радиочастоталар бўйича Республика кенгашининг таркиби 1-иловага* мувофиқ;

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

радиочастоталар бўйича Республика кенгаши тўғрисидаги низом 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, радиочастоталар бўйича Республика кенгаши ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек радиочастота спектри фойдаланувчилари томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси радиочастоталар бўйича Республика кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси тузилмасида радиочастоталар бўйича Республика кенгаши фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш учун 3 нафар штат бирлигидан иборат радиочастота спектридан фойдаланишни тартибда солиш бўлими ташкил этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси икки ой муддатда:

Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

белгиланган тартибда идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 22 октябрь,
ПҚ-2053-сон

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.